
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ҚУВА ТУМАНИДА ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ СОҲАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Қува туманида амалга оширилган янги лойиҳаларни кўздан кечириш жараёнида дастурлаш ва инглиз тили ўқитишга ихтисослашган “IT Westen English School” ўқув маркази фаолияти билан танишди. Тадбиркор Асадбек Холматов томонидан ташкил этилган ушбу марказда ҳозирги кунда 200 нафардан ортиқ туман ёшлари таълим олмоқдалар. Хайрулло Бозоров марказ ўқувчилари билан мулоқот қилди, улар эгаллаётган замонавий билимлар даражасини ўрганди. Вилоят ҳоқими томонидан ушбу ўқув марказига 10 та замонавий компьютер жамланмаси совға қилинадиган бўлди.

Хайрулло Бозоров шунингдек, туманнинг Мустақиллик маҳалласи ҳудудида яқиндагина иш бошлаган “Ўрабоши шифо диагностика” томонидан ташкил этилган “Qubbo medical centre” хусусий клиникасида бўлди. Тадбиркор Абдулҳамид Қирғизбоевнинг ташаббуси билан 20 миллиард сўм маблағ йўналтириш ҳисобига барпо этилган 60 ўринли ушбу кўп тармоқли тиббиёт масканида неврохирургия, кардиология, терапия, проктология каби 10 дан зиёд йўналишда аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилади. Кореядан олиб келиб ўрнатилган замонавий тиббий аппаратлар ёрдамида келгуси ойдан бошлаб умуртқа диск чурраси (грижа), қорин бўшлиғи ва мия соҳаларида жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-12 18:31:28